**УЎК: 633.511.575.224.4:631.**

# КУНГАБОҚАРНИНГ ОДДИЙ ВА МУРАККАБ Ғ3 ДУРАГАЙЛАРИНИНГ ЎСИМЛИК БЎЙИ БЕЛГИСИНИНГ ЎЗГАРУВЧАНЛИГИ

**Р.С. Сейтбаев**
*кичик илмий ходим, қ.х.ф.д., к.и.х.*
**Б.У. Айтжанов**
*Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институти*

Қорақалпоғистон республикаси шароитида қурғоқчиликка бардошли сифат кўрсаткичи саноат талабларига мос бўлган ўсимликларга талаб кундан-кунга ошиб бормоқда. Мойли экинларнинг мамлакатимиз халқ хўжалигида тутган ўрни жўда катта. Булардан олинадиган ёғлар, халқимизнинг кундалик ҳаёти учун зарурий озиқ-овқат маҳсулотининг энг асосийсидир. Бундан ташқари бу ёғлар инсонларнинг саломатлигини сақлашда муҳим ўрин тутади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг мойли экинлар соҳасини ичида, кунгабоқарни келгусида жадаллаштириш мақсадида кунгабоқар навларининг тезпишарлигини, ҳосилдорлигини ва мойдорлигини яхшилаш зарур.

Қорақалпоғистон республикаси тўпроқ иқлим шароитидаги ўрганилган F3 кунгабоқар дурагайларнинг ўсимлик бўйи белгиси маҳсулдорлик ва унинг компонентларининг асосидир, чунки баланд бўйли ўсимликларда илдиз системаси яхши ривожланган бўлиб саватчалар йирик шаклланиши аниқдир.

Ушбу шароитда сув танқислиги ва тўпроқ шўрланиши оқибатида кунгабоқар ўсимликларининг бош поя баландлиги ўнча юқори бўлмайди. Одатда ўсимликларнинг бўйи 180-200 см ташкил этади [1].

В.М.Воронин., В.В.Круглов [2] ларнинг шарқий сибир худудларида ўтказилган тажрибалари шуни кўрсатадики, кунгабоқардан тайёрланган силос таркибида 25% протеин, 8% ёғ, 17% углевод бўлиб, тўйимлилиги жиҳатидан маккажўхоридан қолишмайди. Бундан ташқари, кунгабоқар чиқиндиларидан тайёрланадиган ем тўйимли бўлиб, таркибида А, Б, Е витаминлари борлиги аниқланган. Кунгабоқар сингари юқори рентабелли экинларни кам ҳосилли, шўрҳоқ ерларда етиштириш мумкинлиги келтирилган.

Р.Орипов, Н.Халилов [3.] ларнинг изланишларича уруғлар мой олиш учун қайта ишланганда олинадиган кунжара жуда тўйимли бўлиб, унда 20-35% оқсил бўлади, айниқса соғин сигирлар учун яхши ем саналади. Қимматли силосбоп экиндир. Силосбоп навлари сербарг ва баланд бўйли бўлганлиги учун юқори кўк масса ҳосили беради. Кунгабоқар силосини барча турдаги ҳайвонлар яхши ейди. Бу силоснинг озуқалиги анча юқори. Унда ҳазмланувчи оқсил, углеводлар, минерал тузлар ва витаминлар бўлади.

Дала шароитида ўрганилган Ғ3 оддий ва мураккаб дурагай оилалари асосий морфохўжалик белгилари қўйагича бўлди. Бу оилалар Ғ2 дурагайларнинг

вариацион қаторларнинг ижобий ўнг ёки чап томондаги ажратилиб олинган ўсимликларнинг авлоди хисобланади. Бунда хар бир дурагайлардан ижобий оилаларнинг сони 25-30 фоизни ташкил этди, қолган оилалар белгиларнинг паст кўрсаткичлари оқибатида чиқитга чиқазилди. Оилаларнинг сонига қараб вариацион қаторлар кичик ва катта ҳажмда тузилди, яъни 30 оиладан кам бўлганлар кичик ҳажмда, ва 30 дан кўп бўлганлар катта ҳажмда ўрганилди. Бизнинг тадқиқотларда ўсимликлар бўйи бўйича 9 синфга ажралди ва синфлар ораси 2 см ни ташкил этди. Ҳар бир дурагайдан ўрганилган оилалар сони бир хил бўлди. Энг баланд ўсимликлар Ғ3 [Ғ1(C-HS-H-2011г. x КК-1) x (Ғ1 (С-Альстор x КК-1)] ва Ғ3 [Ғ1(Сор Голлипс x КК-1) x (Ғ1 (Тельс x КК-1)] мураккаб дурагай комбинацияларда кўпроқ учради ва ўсимликларнинг бўйи 146 см га етди. Оддий дурагайларда эса айрим ўсимликлар атиги 140 см атрофида бўлди. Оддий дурагайларда Ғ3 (Ак-12/95 x КК-1) ва Ғ3 (Тельс x КК-1) комбинацияларда баланд ўсимликлар кўпроқ учради 1-жадвал. Лекин бошқа дурагайларда ўсимликлар бўйи паст бўлди, яъни 132-136 см ни ташкил этди. Гаус чизиғи барча дурагайларда бир чўққали бўлиб мураккаб дурагайларда ўнг томонга оддий дурагайларда чап томонда жойлашди. Ўрганилган оилаларнинг энг баланд бўйи 141,7 см ташкил этди. Энг паст бўйли Ғ3 (С-Альстор x КК-1) дурагайда оилалар файдо бўлди.

1-жадвал

$Ғ_3$ кунгабоқар дурагайларнинг ўсимлик бўйи белгиси бўйича вариацион таҳлили.

| № | Оддий ва мураккаб дурагай оилалар | K=2 | | | | | | | | | n | M±m | δ | V% |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 130 | 132 | 134 | 136 | 138 | 140 | 142 | 144 | 146 | | | | |
| 1. | $Ғ_3$ [$Ғ_1$(Jant lower x КК-1) x ($Ғ_1$ (Ак-12/95 x КК-1)] | - | 2 | 3 | 8 | 16 | 11 | 2 | 1 | 1 | 44 | 138,1±5,7 | 5,2 | 20,2 |
| 2. | $Ғ_3$ [$Ғ_1$(C-HS-H-2011г. x КК-1) x ($Ғ_1$ (С-Альстор x КК-1)] | - | - | 1 | 10 | 16 | 18 | 9 | 4 | 2 | 60 | 141,7±3,6 | 4,1 | 17,7 |
| 3. | $Ғ_3$ [$Ғ_1$(Сор Голлипс x КК-1) x ($Ғ_1$ (Тельс x КК-1)] | - | 1 | 1 | 3 | 14 | 17 | 8 | 1 | 1 | 46 | 140,8±6,9 | 4,3 | 18,5 |
| 4. | $Ғ_3$ (Ак-12/95 x КК-1) | 2 | 2 | 5 | 18 | 16 | 4 | 2 | 1 | 1 | 51 | 137,6±6,2 | 5,4 | 23,2 |
| 5. | $Ғ_3$ (C-HS-H-2011г. x КК-1) | 1 | 2 | 2 | 16 | 10 | 2 | 1 | 2 | - | 36 | 136,9±6,0 | 4,0 | 17,7 |
| 6. | $Ғ_3$ (С-Альстор x КК-1) | 2 | 4 | 8 | - | 2 | - | - | - | | 16 | 133,5±5,9 | 3,2 | 10,5 |
| 7. | $Ғ_3$ (Сор Голлипс x КК-1) | - | 3 | 9 | 8 | 4 | 2 | 1 | - | - | 27 | 134,0±6,2 | 3,4 | 12,3 |
| 8. | $Ғ_3$ (Тельс x КК-1) | 1 | 2 | 6 | 8 | 16 | 19 | 12 | 1 | 1 | 60 | 141,3±6,8 | 5,6 | 23,5 |
| 9. | $Ғ_3$ (Jant lower x КК-1) | 2 | 2 | 3 | 6 | 4 | 1 | 1 | - | - | 19 | 136,4±6,1 | 3,8 | 16,8 |

Хулоса қилиб айтганда умуман оилалар сони кам бўлган дурагайларда вариация коэффициенти 10-12 фоизни ташкил этди ва баланд бўйлик оилалар кам учради. Шундай қилиб вариацион қаторнинг ўнг томонидаги оилалар комплекс белгилар бўйича кичик нав синаш кучатзорига ажратилди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. Азизов Т.Б., Анарбаев И.У. Кунгабоқардан мўл ҳосил етиштириш бўйича тавсиялар.-Тошкент.-20 б.

2. Воронин В.М., Круглов В.В. Воронеж вилоятининг ўрмон-дашт зонасида кунгабоқарнинг янги навлари ва дурагайларини экишнинг мақбул муддати. // Аграр фан. Ж. 2007. Москва. Но 3. Б.13-16

3. Орипов Р., Халилов Н. // Ўсимликшунослик. Тошкент. 2006. Б- 398.